Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 1 февраль жума

Сотувда эркин нархда № 24 (2852)

ҚИШКИ ҲАРАКАТ – КУЗГИ БАРАКАТ

Кўклам тобора яқинлашмоқда. Ана шу даврга республикамизнинг барча вилоятларида 3 минг 640 километрлик хўжаликлараро, 10 минг 700 километрлик хўжаликларнинг ички зовурларини тозалаш кўзда тутилган. Ҳозирча бу юмушлар мутаносиб равишда 74 ва 65 фоиз уддаланди. Бундан ташқари, 985 минг гектар майдоннинг шўри ювилмоғи лозим. Айни кунларда жойларда мазкур агротехника тадбири ҳам жадал амалга оширилмоқда. Хусусан, Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги «Гигант» ширкат хўжалигида ернинг шўрини ювиш ишлари ниҳоясига етказилаётир.

СУРАТДА: «Гигант» ширкат хўжалигининг бош пудратчиси Маҳмуджон Ҳайдаров ва сувчи Дилмурод Ўринов сувнинг ҳар қатрасидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг навбатдаги мажлисида республика назорат органлари томонидан 2001 йилда ўтказилган текширишларни мувофиқлаштириш якунлари кўриб чиқилди.

КУН ТАРТИБИДА: ТЕКШИРИШЛАР ТАЪСИРЧАНЛИГИ

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Кенгаш раиси Т.Алимов бошқарди. Кун тартибидаги масала юзасидан Кенгаш раисининг ўринбосари — Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Хўжаев ахборот берди.

Таъкидландики, ҳисобот даврида хўжалик субъектлари фаолиятини текширишни тартибга солиш масалалари бўйича меъёрий база янада такомиллаштирилди, ўтказилаётган текширишларни мувофиқлаштириш тўғрисида илгари қабул қилинган ҳужжатларнинг айрим бандлари республиканинг янги қонунчилигига мувофиқлаштирилди.

Қўрилган чора-тадбирлар ҳисобот даврида текширилган хўжалик субъектлари сонини 2000 йилга нисбатан 41,6 фоизга қисқартириш имконини берди. Бу қисқариш тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектларини текширишни кескин камайтириш ҳисобига рўй берди. Бунда 59 фоиз ёки ўтган йилдагидан 10 фоиз кўп хўжалик субъектлари комплекс тарзда текширилди. Назорат органлари ишининг самарадорлиги ошди, улар томонидан ўтказилаётган текширишларнинг учдан икки қисми текширилган хўжалик субъектлари ишида камчилик ва хатоларни очиб берди. Текшириш натижаларига кўра, 100 миллиард сўмдан ортиқ молиявий камчиликлар аниқланди, камчиликларга йўл қўйганларга нисбатан 55 миллиард сўмдан ортиқ молиявий-иқтисодий жазо чоралари қўлланди, 74 минг нафардан ортиқ айбдор мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шу билан бирга, кенгашда таъкидландики, назорат органлари ва кенгашнинг ҳудудий комиссиялари фаолиятида бир қанча камчиликлар, назорат ишини такомиллаштириш, хўжалик субъектлари фаолиятига текширувчиларнинг асоссиз аралашувига йўл қўймаслик борасида катта имкониятлар мавжуд.

Назорат органлари ва кенгашнинг ҳудудий комиссиялари текширишларни режалаштиришда тегишли ҳудудда ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, савдо ва маиший хизмат корхоналари ва бошқалар ишини назорат қилиш ҳуқуқлари қонунчилик билан мустаҳкамланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодав-

(Давоми 2-бетда).

ҲУКУМАТ ҚАРОРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

Ҳукумат комиссиясининг Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 майдаги "1999-2001 йилларда Хоразм вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш дастури тўғрисида"ги қарори ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Комиссия раиси Р.Азимов бошқарди.

Йиғилишда вилоятда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича тасдиқланган дастур асосида амалга оширилаётган ўзгаришлар Хоразм воҳасининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига катта таъсир кўрсатгани таъкидланди.

Сўнгги уч йил давомида вилоятнинг йиллик ўртача ялпи маҳсулоти 1998 йилга нисбатан 13 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 21 фоизга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 28 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 10 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажми анча ўсди (13,8 фоизга), қишлоқ инфратузилмаси ривожланди.

Дастурни амалга ошириш вилоятда 106,3 мингта янги иш ўрни (мўлжалдаги 105,2 фоиз ўрнига) яратиш имконини берди. Натижада меҳнат бозоридаги аҳвол бирмунча яхшиланди.

1999-2001 йилларда дастурга киритилган барча объектларда жами молиялаш манбалари ҳисобидан 120 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Бу давр мобайнида жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми эса 78 миллион АҚШ долларидан ошиб кетди.

Ўрта ва кичик бизнес тараққиёти учун бу даврда бюджетдан ташқари жамғармалар ва тижорат банкларидан 4,0 миллиард сўм кредит ресурслари йўналтирилди. Янги иш ўринлари яратилгани натижасида ушбу секторда қўшимча равишда 20 минг нафарга яқин одам иш билан таъминланди.

Вилоятда Дастур доирасида маҳаллий хомашёга асосланган эркаклар ва аёллар пойабзалини ишлаб чиқарувчи "Даритал", мол терисига қайта ишлов бериш бўйича "Семург-Сан-Те", пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича "Хоразм-Нуртоп", мева шарбати ишлаб чиқариш бўйича "Мева" қўшма корхоналари, шунингдек, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича "Азия-текстиль" очиқ турдаги акционерлик жамияти фаолият кўрсата бошлади. Урганч шаҳрида аэропорт ва темир йўл вокзали замонавийлаштирилди, Бухоро-Урганч авто йўналиши бўйича мини кемпинглар қурилди, сайёҳлик янада ривожланди, "Хоразм" меҳмонхонасини таъмирлаш ишлари якунланмоқда. Исроил технологияси бўйича сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи иккита цех ишга

(Давоми 2-бетда).

АГРАР СОҲА РАҲБАРЛАРИ ЎҚУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари, қишлоқ туманлари ҳокимлари ҳамда агросаноат соҳасига таллуқли вазирлик ва идоралар раҳбарлари учун ташкил этилган ўн кунлик семинар-мунозара ва ўқув-тажриба машғулотлари бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков машғулотларни очар экан, мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида аграр соҳада изчиллик билан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ўз самарасини кўрсатиб, қишлоқда туб ўзгаришлар юз бераётгани, дала меҳнаткаш ларининг турмуш даражаси юксалаётганини таъкидлади.

Аграр ислоҳотлар натижаси ўлароқ, ўтган йили ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш олдинги йилга нисбатан 104,5 фоизни, шу жумладан, пахта — 109,1, ғалла — 104,5 фоизни ташкил этди.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигида туб иқтисодий ислоҳотлар очиб бераётган барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётир. Таҳлилларнинг кўрсатишича, Ер кодекси, қишлоқ хўжалиги кооперативлари, фермер хўжаликлари ва деҳқон хўжаликларига оид қонунлар ҳамда тегишли меъёрий ҳужжатларни амалиётга изчил жорий этишда айрим вилоятлар ва туманлар раҳбарларига тегишли билим, малака ва тажриба етишмаяпти. Уларнинг баъзилари қонун ва бошқа ҳужжатларнинг талаби, ҳатто аграр ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуниб етмаётганлиги ҳам сир эмас.

Айни вақтда жойларда ташкил этилган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича ҳудудий комиссияларнинг фаолияти тўлиқ назорат қилинмаяпти. Шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши, чек тизимининг қўлланилиши етарли даражада таъминланмаяпти.

Семинар давомида қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қонунларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида йўл қўйилаётган ана шундай хато ва камчиликлар, муаммолар ҳамда уларнинг ечими юзасидан фикр-мулоҳазалар юритилади, бу борадаги барча масалалар атрофлича таҳлил этилади.

Айни вақтда, тингловчилар ўқув дастури доирасида миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, баркамол авлодни тарбиялаш, давлат қурилиши ва бошқаруви жараёнларини эркинлаштириш, ҳуқуқий демократик жамиятни барпо этиш асослари, иқтисодиётни эркинлаштириш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш, қишлоққа хорижий сармояларни кенгроқ жалб этиш, ички хўжалик муносабатларини такомиллаштириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, илмий ва техникавий хизмат кўрсатиш тизимини янада яхшилашга қаратилган мавзуларда тажриба ва билимини орттирди.

Дастлабки машғулотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Х.Султонов, Т.Рисқиев ва бошқалар маъруза қилди.

Семинарнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов, Бош вазир ўринбосари Т.Ҳолтоев иштирок этди.

Ўқув дастурига мувофиқ навбатдаги машғулотларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, шунингдек, суд, ҳуқуқ, солиқ, молия, таълим муассасалари раҳбарлари тингловчилар ҳузурида сўзга чиқади.

Ўктам ДЎСТЁР,
ЎзА мухбири.

Тадбиркор ҳамиша ҳимояда

Тошкент вилояти ҳокимлигида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш муаммоларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Уни Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда тегишли вазирликлар ташкил этди.

Семинарни вилоят ҳокими У.Мирзақулов очди.

Бош вазир ўринбосари, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси У.Исмоилов тадбирда сўзга чиқиб, мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёни кўп жиҳатдан кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ эканини таъкидлади. Зеро, уларнинг ялпи ички маҳсулот ҳажми ва аҳолини иш билан таъминлашдаги улуши тобора ортиб бормоқда.

Шу боис кейинги йилларда соҳани янада ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ташқи иқтисодий фаолият олиб бориш қоидалари эркинлаштирилди. Назорат этувчи органларнинг фаолияти тартибга солинди. Корхоналарни рўйхатга олиш жараёни соддалаштирилди, кичик ва ўрта бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш механизми яратилди.

Айни пайтда бу соҳада ҳали ечимини кутиб турган муаммолар ҳам кам эмас. Семинарда асосий эътибор масаланинг ана шу томонига қаратилди. Сўзга чиққанлар уларни ечиш борасида таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбирда Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармаси раҳбари Г.Саидова, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

СУВ МЕЪЁРИДА ОҚСА...

Ёз кунларида, экинлар сувталаб бўлган кезларда деҳқонларимизнинг сув танқислигидан азият чекаётганлари сир эмас. Айнан шу сабабдан кўпгина майдонлардаги экинлардан мўлжалдаги ҳосил олинмаётир. Тўғри, кейинги йилларда қурғоқчилик кузатилаяпти. Лекин дарёларимизда сув меёрида оқишига тўсқинлик бўлмаганида деҳқоннинг мушкули анчагина осон бўларди. Бунга тўғон бошида турганлар йўл беришмаяпти. Энди уларнинг "Уйда турса бузилар ошим, бировга берсам эссиз ошим" қабилида иш тутганлари маълум бўлиб қолаяпти. Бу мақол жуда ҳам ўринли ишлатилмаётгандек туюлади, чунки сув кимнингдир уйидаги луқма эмас. У — Яратганнинг неъмати, табиатнинг инъоми. Шундай экан, бебаҳо неъмат, беминнат инъом учун бегонанинг ўзи йўқ. Сувдан барча баробар фойдаланишга ҳақли. Афсуски, буни ҳамма ҳам бирдек тушунмаяпти.

Сўнгги йилларда Қирғизистон Республикасининг Тўхтағул сув омбори ирригация режимидан электр қуввати ишлаб чиқариш мақсадида энергетика режимига ўтказилганлиги оқибатида ёзнинг чилласида сув таъминоти қамайиб, аксинча кузги-қишки пайтларда сув ташлаш миқдори ҳаддан зиёд оширилмоқда. Натижада кўпгина экин майдонларини, яйловларни сув босяпти. Дарё қирғоқларида жойлашган қишлоқларга, коллектор-суғориш тармоқларига катта зарар етмоқда.

Тўхтағул сув омборидан ташланган сув ҳаддан ташқари зиёд бўлганлиги сабабли, Сирдарё ўзанига сиғмай қоляпти. Сувнинг асосий қисмини Арнасой пастликларига йўналтиришга мажбур бўлинаяпти. Оқибатда, бу ерда охирги йилларда сув сатҳи саккиз метрга кўтарилди. Жиззах ва Навоий вилоятлари ҳудудларидаги кўплаб йўллар, кўприклар, электр линиялари, кўтонлар ва минглаб квадрат майдондаги яйловлар сув остида қолиб кетди.

Бу йил ҳам шу ҳолат давом этаяпти. Тўхтағулдан чиқаётган сув ҳажми кейинги кунларда секундига 650-700 куб метрни ташкил қилмоқда. Пировардида Наманган вилоятининг Учқўрғон, Уйчи, Наманган туманларида, Фарғона вилоятининг Бувайда, Учқўприк, Данғара, Ўзбекистон, Бешариқ туманларида аҳвол бирмунча мураккаблашди. Бу ҳудудлардаги унумдор, серҳосил, суғориладиган экин майдонларининг икки минг гектарга яқинини сув босди, қатор хўжаликларда сизот сувлар сатҳи кўтарилиб, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашмоқда. Жойларда ҳимоя дамбалари ювилиши оқибатида эса дарё қирғоқларида жойлашган қишлоқларни сув босиш хавфи ҳам бор. Буларнинг барчаси қўшни Қирғизистон Республикасидаги мутасадди идораларнинг узоқни ўйламасдан иш юритаётганлари оқибатидир.

Ўзбекистон Республикаси катта миқдорда маблағ сарфлаб, дарёларга дамба қўймоқда, лекин бунинг самараси кам бўлмоқда, чунки сув ҳаддан зиёд кўп чиқарилаяпти ва уни эплаб бўлмаяпти.

Тўхтағул сув омборидан кўп миқдордаги сувнинг қиш даврида чиқариб юборилиши зарур бўлган электр қувватини кейинчалик ишлаб чиқарилишига ҳам салбий таъсир кўрсатишини Қирғизистондаги мутасадди ташкилотлар эсдан чиқариб қўйганга ўхшайди. Ўзбекистон Республикаси Тўхтағул сув омборининг ишлашини тартибга солиш мақсадида қатор амалий ёрдам кўрсатаяпти. Гарчи, ўз эҳтиёжимиз учун зарур бўлса ҳам, қўшни Қирғизистон Республикасига қиш даврида келишилган ҳажмдаги табиий газ ва электр қуввати етказиб берилмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан Тўхтағул сув омборининг ишлаш меъёрини таъминлаш, халқаро мақомдаги Норин дарёси ва Сирдарёга ташланадиган сувни тартибга солиш бўйича бир неча марта Қирғизистон Республикасига мурожаат қилинди. Афсуски, бу мурожаатлар эътиборсиз қолмоқда. Биз яхши тушунамиз, халқ хўжалиги учун электр қуввати зарур, лекин бу билан қўшниларга зарар етказмаслик ва давлатлараро муносабатларга салбий таъсир кўрсатмаслик лозим.

Дунёдаги барча тараққийпарвар мамлакатлар тан олган давлатлараро сув манбаларидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳамма учун бир хил имконият яратиб, уларнинг ўзига белгиланган улушдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлайди. Лекин бундан қўшни мамлакат зарар кўрмаслиги керак.

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН: →

«Иш натижалари ҳисоб-китоб қилинаётган паллада одамнинг кўнглидан қандай фикрлар ўтади? Албатта, яхши натижадан қониқиш, қолоқлик акс этган банддан ташвишланиш, унинг сабабларини аниқлаш эҳтиёжи сезилади. Ижобий силжиш омиллари ҳисобга олиниб, келгусида тўпланган тажрибадан фойдаланиш кўнгилга тугилади. Қайси ҳолатларда хатога йўл қўйдик? — Бу савол ўз ишига танқидий қаровчи, талабчан хўжалик ходимини ўйлантириши керак». Ушбу сатрлар газетамизнинг бугунги сони (2-бет)да чоп этилаётган «Фермерлар чўт қоқди» мақоласидан олинган. «Халқ сўзи» мазкур чиқиш билан «Якун» деб аталган янги рукнни газетхонлар ҳукмига ҳавола этади.

Келгусида мазкур рукн остида бериладиган материалларда меҳнат жамоалари, туманлар ва вилоятлар, айни пайтда халқ хўжалигининг турли тармоқларида 2001 йил қандай натижалар билан якунланганн эътиборимизда бўлади. Диққатга сазовор тажрибаларни умумлаштириш, йўл қўйилган камчиликлардан тегишли хулосалар чиқариш ушбу мавзунинг асосий мақсади ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Суғурта хизматлари соҳасидаги эркинлаштириш жараёнини янада ривожлантириш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, республикада суғурта бозорини тараққий эттиришнинг иқтисодий омилларини кучайтириш, суғурта ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида:

1. 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, суғурта ташкилотлари 3 йил муддатга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилинсин ва бунинг натижасида бўшайдиган маблағлар аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда мазкур ташкилотларнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга, минтақаларда кенг тармоқли агентлик шохобчаларини ташкил этишга, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, шу жумладан, чет элларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашга йўналтирилсин.

2. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

солиқ олишдан бўшайдиган маблағларни таркибида давлат улуши бўлган суғурта ташкилотлари устав жамғармаларини кўпайтиришга йўналтириш чоғида мазкур маблағлар давлатга тегишли улуш миқдорига қўшиб ҳисобланади;

2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб тўрт йил мобайнида суғурта ташкилоти тугатилган ёки у суғурта фаолиятини тўхтатган ҳолларда даромад (фойда) солиғининг суммаси ушбу Фармонга мувофиқ берилган бутун имтиёзли давр учун тўлиқ миқдорда ундириб олинади.

3. Белгилаб қўйилсинки, юридик шахсларнинг ихтиёрий суғурта турлари бўйича сарф-харажатлари даромад (фойда) солиғини ҳисоб-китоб килиш чоғида қонунчиликда белгиланган меъёрлар доирасида солиққа тортиладиган база ҳисобидан чегириб ташланиши лозим.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сонли Фармонининг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Белгилаб қўйилсинки, 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб хўжалик юритувчи субъектлар харидорларга хизмат қиладиган банкларнинг кафолатлари ёки экспорт шартномаларининг сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта полиси мавжуд бўлган тақдирда олдиндан ҳақ олмасдан ва аккредитив очмасдан эркин алмаштириладиган валютага товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилишлари мумкин".

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

6. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 31 январь.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Афғонистон ҳудудига тижорат юкларини транспортда ташишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг автомобиль ва темир йўл тармоғидан фойдаланган ҳолда Термиз-Ҳайратон кўприги орқали Афғонистонга тижорат юклари етказиб бериш кўламини кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2002 йил 1 февралдан бошлаб Афғонистонга Термиз станциясидан Ҳайратон станциясигача олиб ўтиладиган тижорат юклари учун қуйидаги имтиёзли ставкалар жорий этилсин:

битта вагон ўтказиб берилганлиги учун 180 АҚШ доллари

битта қирқ тоннали контейнер ўтказиб берилганлиги учун 180 АҚШ доллари

битта йигирма тоннали контейнер ўтказиб берилганлиги учун 90 АҚШ доллари

битта юк автомобили ўтиши учун 5 АҚШ доллари

2. Термиз станциясидан Ҳайратон станциясигача Афғонистонга олиб ўтиладиган юкларни ташишда кўрсатиладиган хизматлар ва транспорт-экспедиторлик хизматлари 2002 йил 1 февралдан бошлаб қўшилган қиймат солиғидан озод қилинсин.

3. Белгиланснинки, 2002 йил 1 февралдан бошлаб хорижий давлатларнинг Афғонистонга мақсадли бораётган ТИФ ТНнинг 8704 ва 8705 гуруҳига кирувчи юк автотранспорт воситаларига, шу жумладан қийин йўлларда юрадиган автомобилларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлик ва транзит учун йиғимларнинг амалдаги ставкалари 50 фоизга пасайтирилади.

Белгилаб қўйилсинки, автотранспорт воситаси ҳайдовчисига Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан бериладиган белгиланган намунадаги йўналиш варақаси имтиёзли ставкани қўллаш учун асос бўлиб ҳисобланади. Йўналиш варақасида бўлиш муддатлари ва Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан Афғонистон ҳудудига боришнинг Термиз-Ҳайратон ўтиш йўли охирги пункт ҳисобланган ҳаракат йўналиши кўрсатилади.

4. Қуйидагилар:

Афғонистонга бораётган автотранспорт воситаларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш ва транзит учун тўлов бевосита божхона постларида эркин муомаладаги валютада ундирилиши, маблағлар белгиланган тартибда Республика йўл жамғармаси валюта ҳисоб рақамига ўтказилиши;

Афғонистонга борадиган юкларни темир йўл транспорти орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйича ташиганлик учун тўлов амалдаги тарифларга мувофиқ белгиланган тартибда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси томонидан ундирилиши;

тижорат юкларини Афғонистонга ташишга доир транспорт-экспедиторлик фаолияти ҳам мамлакатимизнинг, ҳам хорижнинг ихтисослаштирилган компаниялари томонидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

5. "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки билан биргаликда Афғонистонга тижорат юкларини ташиш ва уларга кўрсатиладиган экспедиторлик хизматлари учун нақд ва нақдинасиз шаклда эркин муомаладаги валютада ҳақ тўланиши тартибини бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасида ўтказиш пунктлари орқали Термиз-Ҳайратон кўпригида транспорт воситалари ва шахслар ҳаракатининг чегара ва божхона назоратини амалга ошириш тартиби"нинг амал қилиши тижорат юкларига ҳам жорий этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 31 январь.

ФЕРМЕРЛАР ЧЎТ ҚОҚДИ

ЎЗГАРИШ

Иш натижалари ҳисоб-китоб қилинаётган паллада одамнинг кўнглидан қандай фикрлар ўтади? Албатта, яхши натижадан қониқиш, қолоқлик акс этган банддан ташвишланиш, унинг сабабларини аниқлаш эҳтиёжи сезилади. Ижобий силжиш омиллари ҳисобга олиниб, келгусида тўпланган тажрибадан фойдаланиш кўнгилга тугилади. Қайси ҳолатларда хатога йўл қўйдик? — Бу савол ўз ишига танқидий қаровчи, талабчан хўжалик ходимини ўйлантириши керак.

Республика Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасида шу кунларда юқоридаги ҳолат ҳукмрон, десак ишонаверинг. Уюшма раҳбаридан тортиб мутахассисларгача ўз фаолиятларини таҳлил қилиш устида ўтиришибди. Якунлардан чиқарилаётган хулосалар тўғридан-тўғри мамлакат иқтисодиёти тақдирига дахлдордир. Зотан, фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш масаласи билан чамбарчас боғлиқ. Фермер хўжаликлари қандай натижага эришаётганини нафақат агросаноат мажмуи ходимлари, балки кенг жамоатчилик кузатиб турибди.

Ана шу қизиқишни кўзда тутиб, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасида бўлаётган сарҳисобга назар ташлайлик. Чунончи, ҳозир қилинаётган ҳисоб-китоблар нафақат 2001 йилга, айни пайтда ислоҳотлар даврига ҳам баҳо бериш имкониятини туғдиради.

Якунланган йилда ҳаммаси бўлиб 55 минг 445 та фермер хўжалиги фаолият юритди. Пахта етиштирган фермерлар республика пахта майдонининг 20 фоизини банд қилишди, ялпи «оқ олтин» хирмонининг 20 фоизини беришди. Ғаллачиликда ҳам эгалланган майдон ва етиштирилган ҳосил нисбати шу даражада бўлди. Бир қарашда буни табиий ҳол, дейиш мумкин, лекин чуқурроқ мушоҳада юритадиган бўлсак, шундай савол туғилади: фермерларнинг ислоҳотдаги байроқдорлиги қани?

— Кечирасиз, яна бир томонини ҳисобга олинг-да, — деди Уюшма мутахассисларидан бири. — Ҳар йили сафимизга қўшилаётган фермер хўжаликлари иқтисодий ночор ҳолатга тушган қишлоқ хўжалиги корхонаси ўрнида тузиляпти.

Хўш, ўшаларда ўзгариш бўляптими? Ҳар жойда ҳар хил. Мана, масалан, Қашқадарё вилоятининг Нишон туманидаги «Туркманистон» хўжалиги 2001 йилда фермерлар уюшмасига айлантирилди. Табиий шароитлар кейинги икки йилда кескин фарқ қилмаган бир пайтда натижалар фермерлар уюшмасига айлантирилгандан кейин сезиларли равишда ўзгарган. **Ҳавола этилаётган жадвалга эътибор қилинг.**

Бу бир йилда рўй берган ўзгариш. Фермерларнинг мулкка эгалик туйғусидан келаётган самарани рақамларда ифодалаб бўлармикан?

Сарҳисоб қилинган йилда мамлакат фермерлари ғалла тайёрлаш топшириғини ошириб бажаришди. Давлатга 473,1 минг тонна ўрнига 478,1 минг тонна ғалла топширилди.

Уюшма ва унинг жойлардаги ваколиклари нима билан шуғулланишяпти? Улар деҳқон ва фермер хўжаликларини моддий ресурслар билан таъминлаш, техника-сервис хизматлари кўрсатиш, кредитлар ва хорижий инвестициялар олиш, улардан фойдаланиш, етиштирилган маҳсулотни сотиш ва бошқа соҳаларда амалий ёрдам кўрсатишга даъват этилгандирлар.

Фермерлар манфаатини ким ҳимоя қилади? Албатта, Уюшма-да. Ўтган йили Балиқчи туманидаги «Сайдулла ота» фермер хўжалиги ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб, судга учради. Ҳақ жойида қарор топди. Фермер хўжалиги фойдасига «Балиқчи» ширкат хўжалигидан 3 миллион 851 минг сўм ундириш бўйича қарор қабул қилинди. Лекин жавобгар бу пулни тўлайвермади. Фермер Уюшмадан нажот истади. Раис Абдурашид Бобомирзаев ушбу ҳолни ўз назоратига олди. Ниҳоят, Уюшманинг икки бор аралашувидан сўнг бояги маблағ «Сайдулла ота» фермер хўжалигига қайтарилди. Бу ўринда гап фақат ундирилган маблағнинг миқдорида эмас. Муҳими, бошқа фермерлар ҳам ўз таянчлари бор эканлигини ҳис этишди.

Илгари нафақат фермерлар, бутун-бутун хўжаликлар ҳам хорижга маҳсулот сотиш ҳақида ўйлашмасди. 2002 йилда фермерларимиз 65 минг тонна ўрнига 81 минг тонна маҳсулотни хорижга экспорт қилдилар. Бу рақам янада кўпроқ бўлиши мумкинмиди? Албатта. Ўтган йилнинг август ойида ташқарига маҳсулот чиқариш бўйича илғор тажрибани умумлаштирувчи семинар Фарғона вилоятида ўтказилди. Фермерларга мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтириш кўп хосиятли иш эканлиги уқтирилди.

Техникаси соз бўлмаган фермерни оёқ-қўлсиз одамга ўхшатиш мумкин. Бултур Уюшма саъй-ҳаракати билан 698 та техника воситаси лизинг шартномаси орқали жойларга етказилди. Айни пайтда Уюшма қошидаги деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватловчи жамғарма ажратган кредитлар туфайли 1340 та қўшимча иш ўрни вужудга келтирилди. Булар янгича яшаш орқали ҳаётни, тафаккурни ўзгартиришга аҳд қилган одамлар ҳаракати туфайли рўёбга чиқаяпти.

ПАХТАЧИЛИКДА

	2000 йил	2001 йил
Экин майдони	760 гектар	1080 гектар
Ҳосилдорлик	8,3 центнер	14,2 центнер
Жами даромад	34,4 миллион сўм	135,1 миллион сўм
+ —	46,6 миллион сўм зарар	12,1 миллион сўм фойда

ҒАЛЛАЧИЛИКДА

	2000 йил	2001 йил
Экин майдони	537 гектар	572 гектар
Ҳосилдорлик	9,1 центнер	16,1 центнер
Жами даромад	10,3 миллион сўм	32,1 миллион сўм
+ —	25,1 миллион сўм зарар	1,7 миллион сўм фойда

ДЕПСИНИШ

Қишлоқ хўжалигига оид қонунлар парламентда қабул қилинаётганда бир фикр алоҳида уқтирилган эди: қонунларни яратиш, қабул қилиш — ишнинг 50 фоизи, уларни ҳаётга татбиқ этиш эса қолган 50 фоизи. Ана шу мезонда ёндашадиган бўлсак, «Бугунги кунда ишнинг иккинчи ярми қанчалик бажариляпти?» деган саволни кўндаланг қўйиш ўринлидир. Қонун тўла ишлаши учун нима қилиш лозим? Керак бўлса, ҳар бир одамнинг қўлига биттадан рисола тутқазиш, уни дарсларда ўқитиш мумкин, лекин бу билан мақсадга эришиб бўлмайди. Қонун ижросини ҳар кунлик фаолиятда татбиқ этиш чораларини кўришимиз зарур. Айтайлик, белгиланган вазифани адо этиш олдидан «Хўш, бу ҳақда қонунда нима дейилган?» мазмунидаги саволни қўйишимиз, амалий ҳаракатимиз ҳам ўша қонунга монанд бўлиши керак.

Амалда нима бўляпти? Эскича тасаввурлар исканжасидан қутулолмаётган ходимлар баъзан қонунни унутиб қўйишяпти. Бу ислоҳотларни обрўсизлантиришдан бошқа нарса эмас. Энг ташвишли томони шундаки, қонунлар ишлашидан манфаатдор бўлган, бунинг учун назорат қилишдек вазифа юклатилган раҳбарлар қонунни бузишяпти.

Мана, қашқадарёлик фермер Файзулла Лутфиевнинг сўзларига қулоқ тутинг:

— Олти йилдан буён Усмон Юсупов туманидаги Рўзмат Ғойибов номли хўжаликда фермерлик қиламан. Бирор йил йўққи, шартномавий режани бажармаган бўлсам. Меҳнатимга яраша даромад олаяпман. Аммо туманимизда ҳоким ўзгарди-ю, ҳаловатим йўқолди. Ўтган йил туман ҳокими Қурбон Ҳайдаров 32 гектар ерни мендан тортиб олди. Сўнг ҳокимни хўжалик судига бердим. Ютдим. Шундан сўнг ҳоким апелляция судига шикоят ёзди. Гўё фуқаро Н.Файзиевнинг ўша 32 гектар ерда хўжалик билан тузган шартномаси бор эмиш. Аслида у шартнома қалбаки. Шу боис мен иккинчи бор яна судда ғолиб чиқдим. Аммо ишни мендан яширинча республика Олий хўжалик судига оширишди. Унда икки суд қарори бекор қилинибди. Кейин мен ҳам республика Олий хўжалик судига илтимоснома ёздим. Шундан сўнг суд 32 гектар ерни менга ҳам, фуқаро Н.Файзиевга ҳам эмас, туман заҳирасига ўтказиш ҳақида ажрим чиқарди. Очиғи, ўша кезларда одамларнинг барибир ҳокимнинг айтгани бўлди-ку, деган гаплари роса алам қилди. Мен ишни вилоят фуқаролик судига бердим. Ва, яна судда ғолиб чиқдим. 32 гектар ер менинг фойдамга ўтказилди. Аммо бунинг учун менинг қанча вақтим, асабим кетди.

«Мулк эгасини топсин» деган қанотли иборани кўп ишлатамиз. Хўп, мулк эгасини топса-ю, унинг ўзи ўша мулкка эгалик қилолмаса, додингизни кимга айтасиз? Аравани қуруқ олиб қочмасдан аниқроқ гапир, деган талабни сезиб турибман. Ўтган йили Жиззах вилоятининг Зарбдор, Зафаробод, Пахтакор, Жиззах, Арнасой туманлари вакилликларининг ҳар биридан 1 миллион сўмдан, жами 5 миллион сўм маблағ ҳокимларнинг иродаси билан «Нуроний» жамғармасига ўтказиб юборилган. Албатта, бу савобли мақсадда қилинган. Лекин нега қонунга биноан мулк эгасининг ижозати олинмайди? Шуни айтиш керакки, юқоридаги айтилган маблағ мисқоллаб йиғилган бадал пулидан ўтказилган. Уюшма низомида эса бадал пулини, мол-мулкни уюшма кенгаши ҳал қилиши уқтирилган. Шу ўринда яна бир савол туғилади: ҳокимлар-ку қонунга зид қарор қабул қилишибди, бу ўринда банклар нега принципиал позицияда туришмаган?

Бундай ҳолатлар онда-сонда бўлганда айтиб ўтирмасдик. Афсуски, қонунларнинг рўёбга чиқишида ибрат кўрсатиши керак бўлган мансабдор шахслар тескари намуна бўлишяпти.

Қонунни билмаслик, баъзан уни менсимаслик нохуш оқибатларга олиб келади. Бўлмаса Гулистон туманидаги А.Носиров номли деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбарлари чорвачиликка ихтисослашган «Холиқбой ота» фермер хўжалиги ихтиёридаги 20 гектар бедазорни ўзбошимчалик билан ҳайдаб юборишармиди?! Бу қонунбузарлик натижасида фермер 6 миллион 200 минг сўм зарар кўрган. Гулистон туман прокуратураси уюшманинг мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 205-моддаси 2-«а» қисми бўйича жиноят иши қўзғатди. Суд айбдорларга жазо тайинлади.

Юртбошимизнинг оқилона сиёсати туфайли тадбиркорларга, фермерларга қулай шароит яратилмоқда. Ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари, аввало, фермерлар манфаатини ҳимоя қилишяпти. Қисқаси, моддий неъмат яратаётган кишиларга кенг йўл бериш жамиятимизда эзгу қадрият саналмоқда. Шундай экан, фермерларимиз ҳам ўз бурчларини адо этиш зарурлигини унутмасликлари керак.

Шартнома шартларини бажариш борасидаги ишларга назар ташласак, депсиниш сабабларини англагандай бўламиз. Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги шартномавий муносабатлар бажарилишини назорат қилиш бўйича Бош давлат инспекцияси берган маълумотларга қараганда, 2001 йилда 21.761 та фермер хўжалиги шартномада кўрсатилган бандларни бажармаган. Бухоро вилоятида ғалла бўйича 1472 фермер хўжалигидан 743 таси 7,2 минг тонна маҳсулотни етказиб бермаган. Олот туманидаги «Дурдимурод» фермер хўжалиги 6,5 гектар ердан 12,7 тонна ғалла топширишни шартномада кўрсатган, амалда бирор килограмм ҳам маҳсулот топширилмаган. Йил бошида берган ваъдасини унутган жамоалар қаторида Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги «Чорвадор», Мирзаобод туманидаги «Абдусамад ота» фермер хўжаликларини тилга олиш мумкин. Ҳар иккала жамоа 10 гектардан ерни банд қилган. Ҳақли савол туғилади: фермер хўжалиги шартномада кўрсатилган маҳсулотни топширмаса, қандай чора кўрилиши кўзда тутилган?

Аксарият жойларда шартнома тузишга қандай муносабатда бўлинса, бизнес-режа белгилашга ҳам шундай юзаки қаралябти. Майда тафсилотларга берилмайлик-да, Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунида ёзиб қўйилган 5-моддани эсга олайлик: «Ер участкалари берилганда фермер хўжалиги ўз зиммасига қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади. Бу мажбурият ер участкасини ижарага олиш шартномасида мустаҳкамлаб қўйилади».

ИНТИЛИШ

Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафаси эди. Ўзбекистон навбатдаги Қаҳрамонларини кашф этди. Бу қувончли хабар фермерларни ҳам чексиз шодлантирди. Нега деганда, «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонининг «Олтин Юлдуз»ини таққанлар орасида илк дафъа фермер ҳам бор эди. Президент Фармони эълон қилинган куннинг эртасига Деҳқон ва фермерлар уюшмаси раиси Абдурашид Бобомирзаев Нукусга етиб борди. «Саховат» фермер хўжалиги бошлиғи Алланиёз Утениёзовнинг эгнига чопон кийгазиб, белига белбоғ боғлаганида йиғилганларнинг меҳри товланиб кетди.

Бир неча кундан кейин Уюшма раиси ҳам давлат мукофотига сазовор бўлгач, давраларда 2001 йил фермерлар учун қутлуғ келганлиги таъкидланди.

— Ҳали олдимизда катта ва масъулиятли марралар бор, — дейди А.Бобомирзаев. — Ишонинг, 2002 йил янада баракали ва қутлуғ келади.

Раис шундай дегандан сўнг ўз сўзларига далиллар келтирди. Айтайлик, янги тузилган фермер хўжалиги ишни юритиши учун маблағи йўқ. Нима қилиш керак? Ўтган йили сентябрь ойида матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон ҳукуматининг «Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори ана шу муаммонинг ечимини топиб берди. Уюшмада бу ҳужжатни лўнда қилиб «366-қарор», дейишади. Унга кўра, ташкил этилганига 6 ойдан ошмаган фермер хўжалигига 1 миллион сўмлик кредит 3 йил муддатга берилади. Фоизи ҳам катта эмас: бор-йўғи 4 фоиз. Бултур «Пахтабанк» ва «Замин» банки орқали 42 миллион сўм имтиёзли ҳамда мақсадли кредит янги тузилган фермер хўжаликларига берилди. Дастлабки сармоя бериш яна давом эттирилади. Демак, бу ёрдам хирмонлар салмоғида акс этиши керак.

2002 йилда яна 83 хўжалик фермерлар уюшмасига ўтказилади. Улар негизида 10 мингдан зиёд юридик мақомга эга хўжалик пайдо бўлади. Бундан ташқари, аввалги йилларда тузилган фермер хўжаликларининг тажрибаси бир йилга ошди.

Энг муҳими, Уюшма тизимига умидли ёшлар кириб келяпти. Ёши улуғ кишилар анчайин сипо бўлиб, муҳитга мослашиб олишади. Ёшлар эса журъат билан ишлаб, интилувчан бўлишади. Фарғона, Наманган вилоятларида бир қатор туманларнинг ҳокимлари Уюшманинг жойлардаги вакиллигидан ўтишганлигини назарда тутсак, ушбу тизимнинг нуфузи ошиб бораётганлиги маълум бўлади.

Интилганга толе ёр, дейдилар. Фермер хўжаликлари қамрови йил сайин кенг кўлам касб этиб бораётган экан, бу тизимдан кўпроқ самара кутишга ҳақлимиз, албатта. Эндиликда фермерларни танлов асосида аниқлаш масаласи кун тартибига қўйиляптики, бу ҳам бозор муносабатларига ўтишда рақобат омилини ишга солиши кутилмоқда. Айни кунларда Уюшма идорасида ҳудудий вакиллик раҳбарларининг аттестацияси давом этмоқда. Мазкур тадбир ҳам иш сифатини яхшилаш йўлида қўйилаётган қадамдир.

Ўрни келганда бир мулоҳазани айтишни маъқул кўрамиз. Республика Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, шу Фармон ижроси бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида ташкил этмоғи керак. Мазкур ҳужжатларда фермер хўжаликлари янги шароитларга кўникма ҳосил қилишлари учун амалий ёрдамга муҳтожликларини ҳисобга олиш уқтирилган. Уюшма ҳудудлардан олинадиган маълумотларни тўплаш, бошқача айтганда, қоғозни кўпайтириш учун тузилмаган. Шу маънода, ушбу идора икир-чикир ишларга ўралашиб қолмаслиги, бевосита жойлардаги аҳволдан хабардор бўлиб, энг мақбул ечимларни тақдим этиши муҳимдир.

Мавжуд ҳолатни шунчаки қайд қилиш, кузатувчи бўлиш кўзланган мақсадга олиб бормайди. Баъзан мана шу қусур кўзга ташланиб қолаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Ўтган йили «Халқ сўзи»нинг 12 июнь сонида «Фермер хўжаликлари ва уюшма: муносабатлар қандай?» деган сарлавҳа остида тизимдаги муаммоларга муносабат билдирилган эди. Ушбу чиқиш Уюшма раҳбариятида қизиқиш уйғотгани оғзаки айтилган бўлса-да, барибир, таҳририятга расмий жавоб берилмади. Ҳолбуки, газета ушбу мавзуни кўтариш орқали мавжуд муаммоларга Уюшманинг фикрини аниқлашни ҳам кўзда тутганди.

Янги очилаётган йўлнинг кутилмаган мураккабликлари бўлиши табиий, албатта. Шу билан бирга, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасини ҳам эндиликда ёш тузилма, деб бўлмайди. Негаки, тўрт йиллик тажриба ортда қолди. Модомики, биз ислоҳотлар тақдирини ушбу тизим билан боғлаётган эканмиз, ундан дадил ҳаракатлар, пухта ўйланган ечимлар кутишимиз ўринлидир.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КУН ТАРТИБИДА: ТЕКШИРИШЛАР ТАЪСИРЧАНЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

лат нотижорат ташкилотлари билан етарли даражада ҳамкорлик қилмаяпти, текширишларни режалаштиришда уларнинг фикрини инобатга олмаяпти, ўз фаолиятини амалга оширишда жамоатчилик назорати имкониятларидан фойдаланмаяпти.

Кенгашнинг ишчи органи томонидан ўтказилган мониторинг натижасида ўтган йили текширишларни тартибга солиш бўйича қонунчилик талаби бузилган 500 га яқин ҳолат, шу жумладан кенгаш ёки унинг ҳудудий комиссиялари рухсатисиз ўтказилган 145 та такшириш аниқланди. Кўрсатиб ўтилган камчиликлар учун назорат органларининг 682 нафар мансабдор шахси жавобгарликка тортилди.

Кенгаш ҳудудий комиссиялар ва назорат органларини бир ой муддатда текширишларни тартибга солиш борасидаги қонунчиликни бажариш бўйича амалга оширилган ишлар якунларини ўз мажлисларида таҳлил этиш ва муҳокама қилиш ва 2002 йилда уни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар белгилаш вазифасини юклади. Ўз фаолиятини амалга ошириш вақтида жамоат ташкилотлари, айниқса, фуқаролар йиғинлари кенгашлари билан кенг ҳамкорлик қилиш, текширишларни тартибга солишга оид қонунчилик бузилишининг ҳар бир ҳолатини тезкор ва холис кўриб чиқиш топширилди.

Шунингдек, кенгаш мажлисида "Ўздавдонинспекция" ва унинг бўлинмалари томонидан хўжалик субъектларини текширишни тартибга солиш бўйича республика қонунчилигига риоя этиш борасида амалга оширилган ишлар ва уларнинг самарадорлигини ошириш масаласи кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан унинг бошлиғи Р.Зупаровнинг ҳисоботи эшитилди.

Таъкидландики, "Ўздонмаҳсулот" давлат корпорациясининг кўпгина корхоналари "Ўздавдонинспекция" ва унинг ҳудудий бўлинмалари эътиборидан четда қолмоқда. Хоразм ва Жиззах вилоятларида инспекция томонидан назорат қилинадиган корхоналарнинг бор-йўғи 7 ва 13 фоизи текширишдан ўтказилган. Айни пайтда айнан шу вилоятларда дон ва уни қайта ишлаш маҳсулотларини сақлаш ва ҳисобга олишда катта камчиликлар қайд этилган. Самарқанд вилоятида режа-жадвалда кўзда тутилган хўжалик субъектларининг ярмидан кўпроғи текширилмаган. Андижон, Қашқадарё, Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳудудий бўлинмалари томонидан бир неча йил давомида муайян хўжалик субъектларини текширишлар режа-жадвалига қайта-қайта киритиш ҳолларига йўл қўйилмоқда.

Бунинг оқибатида "Ўздавдонинспекция" томонидан ўтказилаётган текширишларнинг самарадорлиги пастлигича қолмоқда, бу эса дон маҳсулотлари корхоналарида амалдаги қонунчиликни бузиш ҳолларининг давом этишига ҳамда чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати пастлиги боис истеъмолчиларнинг ҳаққоний эътирозларига сабаб бўлмоқда. "Ўздавдонинспекция"нинг "Ўздавстандарт" маркази билан маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясини бузаётган нон ёпиш корхоналари маҳсулоти сифатини текшириш борасида етарлича ҳамкорлик йўқ.

Кенгаш "Ўздавдонинспекция" ишини қониқарсиз деб топди, бу масалани унинг ҳайъати мажлисида кўриб чиқиш ва текширишларни тартибга солиш бўйича қонунчиликни бузган мансабдор шахсларни қаттиқ жавобгарликка тортиш ҳамда ўтказилаётган текширишлар самарадорлигини оширишга қаратилган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш вазифасини топширди.

Текширишларни мувофиқлаштиришга алоқадор бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Кенгаш мажлисида Бош вазир ўринбосари Р.Азимов, Вазирлар Маҳкамаси аппарати раҳбари Р.Абдуқодиров, Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г.Саидова, Бош прокурор Р.Қодиров, қатор вазирликлар, идоралар ва назорат органлари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Вазирлар Маҳкамаси ходимлари иштирок этди ва сўзга чиқди.

(ЎзА).

ҲУКУМАТ ҚАРОРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

(Давоми. Боши 1-бетда).

тушди. "Хива гилами" очиқ акционерлик жамияти асосида германиялик тадбиркорлар билан гилам ишлаб чиқариш борасида ҳамкорлик қилинмоқда.

Қишлоқ хўжалиги мулки таркибида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Ўтган давр мобайнида 118 та қишлоқ хўжалиги корхонаси ширкатларга айлантирилди. Барча хўжаликларда ижара пудрати, ҳисоб-китобнинг чек тизими жорий этилди, молия — ҳисоб-китоб марказлари ташкил этилди. 9 та кам рентабелли ва сурункали равишда зиён кўриб ишлаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси тугалланиб, улар асосида 472 фермер ва 1382 деҳқон хўжалиги яратилди.

Бу чоралар ширкатларда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, уларнинг молиявий аҳволини яхшилашга ёрдам берди. 2001 йил якунларига кўра, ширкат хўжаликларининг 90 фоизида хўжалик йили фойда билан якунланиши кутилмоқда. Бу эса 2000 йилги кўрсаткичлардан анча зиёд.

Соҳада ислоҳот ишларини давом эттириш ва 1999-2001 йилларда аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида вилоятда 2,4 минг фермер ва 38,9 минг деҳқон хўжалиги ташкил этилди. Дастур доирасида вилоятда 10,6 минг гектар ерга ишлов берилди ва 11,2 минг гектар суғориладиган ер майдонининг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Ижтимоий масалаларни ҳал этишга катта эътибор қаратилди. 1999-2001 йилларда барча молиялаш манбалари ҳисобидан 1611,6 минг квадрат метр тураржой, 35 та қишлоқ тиббиёт пункти, 4,3 минг ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаблари, 12,2 минг ўқувчига мўлжалланган 19 та касб-ҳунар коллежи, тегишли равишда 7 ва 34 қишлоқ аҳоли пунктлари уланган 463,1 километр газ ва 701 километр сув қувурлари фойдаланишга топширилди.

Шу билан бирга "Ўздонмаҳсулот" корпорацияси, "Ўзкоммунхизмат" ассоциацияси, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлиги Дастурда кўзда тутилган вазифалар тўлиқ бажарилишига эриша олмади. Шу муносабат билан йиғилишда юқорида номлари зикр этилган вазирликлар, идоралар ва Хоразм вилояти ҳокимлигига тадбирлар дастурини тўлиқ ижро этиш ва қўшимча иш ўринларини яратиш мақсадида режалаштирилган барча объектларни ишга туширишга оид ишларни давом эттириш вазифаси топширилди. Бажарилган ишлар натижалари 2002 йилнинг биринчи ярми якунлари бўйича Ҳукумат комиссияси йиғилишида кўриб чиқилади.

(ЎзА).

Қўшма корхоналар ҳаётидан

26 ХИЛ ПОЙАБЗАЛ

Қўқон шаҳрида замонавий корхоналарнинг сони яна биттага кўпайди: «Кофра» Ўзбекистон—Франция қўшма корхонаси маҳсулот бера бошлади. Бу ерда йилига 26 турдаги 500 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқарилади. Кейинчалик унинг бир қисмини хорижга экспорт қилиш ҳам мўлжалланмоқда.

СУРАТЛАРДА: қўшма корхона раҳбари Фамиль Гасанов ва францииялик технолог Васиф Қулиев; ишчи Сурайёхон Солиева тайёр маҳсулотларни намойиш этаяпти.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

«МАТИЗ» УЧУН ЁНИЛҒИ БАКЛАРИ

Андижондаги «ЎзСем Юни Ко» қўшма корхонаси мана бир неча йилдирки, асакалик автомобилсозлар учун бутловчи қисмлар етказиб бераётир.

Турли автомобиллар учун йилига икки юз мингта ёнилғи баклари тайёрлаш қувватига эга бўлган корхонада тўрт юздан ортиқ малакали мутахассис фаолият кўрсатмоқда.

Корхонада янги асрнинг янги автомобили — «Матиз» учун ҳам ёнилғи баклари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхона «Матиз» учун 20 мингта бак етказиб бериш юзасидан буюртма олди.

Бу ерда ишловчилар ички бозор талабларини ўрганган холда турли хил халқ хўжалик истеъмол моллари тайёрлашни ҳам йўлга қўйдилар. Чунончи коллеж ҳамда ўқув юртлари бинолари учун кўркам ва пишиқ металл том ёпқичлар ҳам шу заводда ишлаб чиқарилмоқда.

О.ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Австриянинг "CA IB INESTMENTBANK AG" инвестиция банки Бекобод шаҳридаги "Ўзбекистон металлургия комбинати" акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси учун диагностик текшириш, баҳолаш, якка тартибда хусусийлаштиришга тайёрлаш ва хорижий инвесторларни излаш бўйича молиявий маслаҳатчи сифатида ўз фаолиятини бошламоқда.

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ»ГА ХОРИЖДА ҚИЗИҚИШ КАТТА

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси матбуот хизматининг ЎзА мухбирига хабар беришича, ушбу комбинатни хусусийлаштириш Вазирлар Маҳкамасининг "2001-2002 йилларда хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича келгусидаги чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида кўзда тутилган.

"Ўзметкомбинат"ни якка тартибда хусусийлаштириш лойиҳасини молиялаш Жаҳон банки томонидан Ўзбекистондаги корхоналарни тузилмавий ривожлантириш учун ажратилган қарз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бекободдаги металлургия комбинатини хусусийлаштириш тўғрисидаги хабар 2000 йилда "UN Development & Business" халқаро нашрида чоп этилган эди. Ушбу хабар хорижий инвесторларда ҳамкорлик қилишга катта қизиқиш уйғотди. Шу сабабли бешта нуфузли халқаро консалтинг компанияси ва инвестиция банки унга қизиқиш билдирди.

"CA IBINESTMENTBANK AG" банки Европанинг етакчи инвестиция банки ҳисобланади ва унинг 17 та ҳудудий офисида, шунингдек, Лондон, Нью-Йорк, Вена шаҳарларида 700 нафарга яқин малакали ходими фаолият юритмоқда. Банк Марказий Европа ва МДҲ давлатларидаги корхоналарни қайта қуриш ҳамда хусусийлаштириш соҳасида хизмат кўрсатиш борасида катта тажрибага эга.

"Ўзметкомбинат" акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Австриянинг "CA IBINESTMENTBANK AG" инвестиция банки ва Якка тартибда хусусийлаштириш бюроси ўртасида унга корхона акцияларининг 33 фоизи сотиладиган хорижий инвестор иштирокида хусусийлаштиришни ўтказиш борасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим ва шартнома тузилди.

(ЎзА).

ФУРСАТ ҒАНИМАТДИР...

Мен метроларда, автобус бекатларида юртдошларимизни кузатиб, ўсмирлар изидан юриб, уларни тинглаб суюнаман. Чунки 10-15 дақиқалик вақтини ҳам беҳудага сарфламай, китоб ўқиётган, кроссворд ечаётган, чайнворд устида тортишаётган замондошларимиз кун сайин кўпаймоқда. Ҳатто, идоралар рўпарасида раҳбарини кутиб турган шофёрлар ҳам машинасида ўтириб бошқотирмалар ечишни расм қилишган. Ўсмирлар эса йўл-йўлакай жуғрофия, тарих фанларидан «Ким миллионер бўлмоқчи» ёки «Заиф халқа»га ўхшаган ўйинлар ўйнаб кетишади. Уларнинг тўп бўлиб туриб:

— Энг узун дарё қайси?

— Энг баланд чўққи неча метр?

деган саволларини эшитиб, ғурурланаман. Ахир, буларнинг ҳеч қайсиси шунчаки эрмак ёки бекорчилик машғулоти эмас-ку. Буларнинг ҳаммаси Вақтнинг юракларга кириб нафас олаётгани, инсоннинг бир жонли бўлагига айланиб бораётгани.

Вақтнинг устида ҳукмронлик қилиш, деган иборани жуда ёмон кўраман. Бу дунёда ҳеч ким ҳеч нарсага зўравонлик қилиб яхшиликка эриша олмайди. Айниқса, Вақтга...

Вақтга яқинлашган, уни ҳурмат қилган, дўст тутинган, севган кишиларгина бирон бир эзгуликка эга бўлиши мумкин.

Шукурки, бугун бизда шундай кайфият пайдо бўлмоқда.

Аслини олганда, бу жуда ҳам янги ҳолат эмас. Қадимда момоларимиз шам ёруғида кашта тикиб ўтириб, ё зардўзлик қилаётиб, ёнида иш, ҳунар ўрганаётган қизалоқларга щирали овозда халқ қўшиқлари, достонларини айтиб берганлар. Йигитчалар болалигидан бел олишганлар, ёйандозликни ўргатишган катталар. Бирон бир баҳонаи сабаб тузилган анжуманларда ғазалхонлик қилганлар, шатранж ўйнаганлар. Бу машғулотларнинг ҳаммаси қалб, ақл тарбияси эди.

Қарамлик йилларининг тўзонлари тушиб ғуборланган бу тарбия усуллари яна аслига қайтмоқда, замонавий йўллар билан бойимоқда.

Аммо...

Ҳеч бир жароҳат осонликча битмайди. Айниқса, маънавиятга тушган жароҳат...

Бугун ёш-яланглар, ҳатто, аёллар орасида расмга кирган «гап» аталмиш одатимиз бор. Дийдорлашиш — одамларни яқинлаштиради. Гап баҳона, дийдор ғаниматлиги яхши. Бироқ айрим «гап»ларга бехос кириб қолсанг, аёллар ноз-неъмат устида олди-қочди гапдан бўшамайди. Кимнинг қанча сарпо қилгани, кимнинг ҳайитга нечта тоғора юборгани... Бундай давраларда Вақт қийналаётганга ўхшайди, назаримда.

Ёш-яланглар ўтиришларидаги ичкиликбозлик ё яхши-ёмон видеокассеталарни тонготаргача томоша қилиш... Албатта, инсон эркин, ҳур, унинг вақти ҳам ўзиники. Аммо ҳозир айтганим — фурсатнинг гоҳ бемаъниликка, гоҳ ахлоқсизликка айланиши, боя таъкидлаганимиздай, кишининг ўзи доирасида қолиб кетмайди, ён-атрофига соя туширади.

— Мен малака оширишга келган ходимларга савол бердим, — дейди бир дугонам: «Яхшироқ самара берадиган қандай иш усулларини таклиф қиласиз?».

Бир ходим: «Мен мажлисда гапирувчи учун беш, ўн дақиқа дея регламент белгиламасдим. Балки, фикрингни 10 жумлада ифода эт ё беш жумлада ифода эт, деган регламент белгилардим. Шунда одамнинг вақтини ўғирлайдиган эзма йиғинлардан қутулардик», — дейди.

Бошқа бири эса: «Бошлиғимиз бир оғиз сўз учун ҳам ҳузурига чақиради. Ёки йўл-йўлакай ҳал қилиш имкони бўлган иш учун ҳам махсус мажлис тўплайди. Идораларда имкони борича телефонларда вазифа топшириш, телефонларда ишни қабул қилиб олишни йўлга қўярдим», — дейди.

Бу фикрларда жон бор, дейди дугонам.

Мени бу гапнинг ўзи қувонтирди. Демак, одамлар Вақт ҳақида жиддий ўйлаяпти. Ахир, урушда енгилган Олмониянинг қисқа фурсатда тикланиб, ривожланган давлатлар қаторига ўтиб олишига немис халқининг вақтни олтиндан ҳам қиммат билиши сабаб эмасми? Улар ҳар бир қадамни ҳисоб-китоб билан ташлайди, ҳар бир сўзни ҳам шундай айтади.

Японлар, корейслар, қайси халқ дунё майдонларида юксалаётган бўлса, улар Вақтнинг ҳар бир лаҳзасини юраклари устида ҳис этади. Соат «чиқ-чиқ»лари уларнинг юраги устидан юриб ўтади.

Биз ҳам юксалишга астойдил бел боғлаган, тикланаётган халқмиз. Ҳадеб бир хил мавзуларда давра суҳбатлари, такрор-такрор, бир-бирига ўхшаган танловлар ўрнига «Фурсат — ғаниматдир», «Вақтинг-бахтинг», «Бош тебратар — соат капгири» мавзулари атрофида ҳам тўплансак?

Кимнинг вақти сочилиб, совриляпти? Кимники йўқ? «Чемпионнинг кунлари», «Қаҳрамоннинг умр фасллари» — телевидение учун фойдали мавзулар эмасми бу?

Улуғ шоиримиз Ғафур Ғулом:

«Умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун
Қудратли қўл билан қўяйлик ҳайкал», — дейдилар.

Бу дунёнинг яхши-ёмон савдоларини бошидан кўп ўтказган қариялар даврасида бир ривоят бот-бот эсланади. Эмишки, ёшлигида унча-мунча адашиб, донишмандлик фаслига киргач, ақли тиниқ тортган бир султон кунларнинг бирида юрт алломаларидан зўрини ҳузурига чорлабди:

— Умримнинг қишидан дараклар келмоқда. Биласиз, эгиз ўғилларим бор. Иккиси — икки кўзим қароси. Қай бирига халқим тақдирини ишониб кетишимни билмай иккиланмоқдаман. Маслаҳатингизга эҳтиёжим бор, — дебди.

Аллома ўғлонларни синовдан ўтказишга султондан изн сўрабди. Розилик бўлгач, уларга юзма-юз бўлибди:

— Икковингиз икки йўлдан икки саҳрога сафар қиласиз. Бахту бойлигингиз ўзингиз билан. Йўқотмай, кўпайтириб қайтсангиз, сизни улуғ мартаба кутади.

Ўғиллар аллома шартига кўра, от-уловсиз, елкасида сув ва озгина емиш солинган хуржун билан йўлга равона бўлишибди.

Биринчи ўғил йўл юриб, йўл юрса-да, мўл юриб, саҳрога етибди. Алломанинг «бахту бойлигингиз ўзингиз билан» деган гапини эслаб, хуржунининг чок-чокларидан сўкиб, ахтарибди. Кийимларини ҳам астарларигача титибди. Ҳеч вақо топа олмагач, йўлда тушириб қўймадимми дея изига қайтибди.

Иккинчи ўғил ҳам вақти етиб, хуржуни бўшагач, хаёлга толибди. Бир қарорга келиб, чўпонлар ўтовини ахтариб борибди.

— Мен куч-қуввати бор ишталабман, — дебди. Чўпонлар қудуқ қазишмоқчи экан, йигитни ишга солишибди. Йигит астойдил, ихлос билан қазиганиданми, ё Яратганнинг иродасими, қудуқ ўрнига сахронинг қоқ ўртасидан чашманинг кўзи очилибди:

— Хосиятли йигит экансан, қудуқ қазисак, саҳро оловига дош беролмай, қачондир қурирди, чашманинг умри узоқ, — деб «мардикор»ни сийлашибди. Подаларидан бир қанча қўй-қўзилар инъом этиб, от миндириб жўнатишибди.

Алқисса, аллома икковини ҳам хон ҳузурига олиб кириб:

— Айтган бахту бойлигим вақт, фурсат эди. Сиз унинг бир қисмини йўлларда бекор харжладингиз, — дебди биринчи ўғилга.

Хон изоҳсиз ҳам иккинчи фарзандининг вақт — бебаҳо бойликни кўпайтириб қайттанини тушунибди ва юрт тақдирини унга ишонибди.

Бу — бир ривоят. Аммо кимдир шарт қўйиб, синаса, синамаса, ҳаёт ўзи ҳар бир инсоннинг Вақтга муносабатини ҳамиша имтиҳон қилади. Ўша имтиҳонда иккинчи фарзанддай тўлиб-тошиб турсак, қалбимиз яхшилик, саховат, олқиш, билим, нурга тўла бўлса, демак, биз бекор яшамабмиз. Ҳар кишини шундай бахтга етказсин, моддий-маънавий яланғочлик, қашшоқлик гуноҳи, иснодидан, уятидан ўзи асрасин.

Мушоҳада

Қутлибека РАҲИМБОЕВА.

ЎЗБЕКИСТОН-НАТО: ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК



Хавфсизлик таъминотининг сармоялари

НАТОнинг ана шу номдаги алоҳида дастури мавжуд. Унинг бажарилишини Шимолий Атлантика Кенгаши томонидан тасдиқланган йиллик бадаллар асосида Инфратузилма қўмитаси назорат қилиб боради. Унинг чекланган даражаси тахминан 688 миллион АҚШ долларига тенг (1998 йил). Ушбу жабҳадаги сармоялар аэродромлар, иссиқлик-сув узатиш қувурлари, турли омборлар, портлар, алоқа ва ахборот алмашинув, радиолокация ва навигация воситалари, шунингдек, ҳарбий бошқарув тизимлари таъминоти учун сарфланади.

Юқорида уқтириб ўтганимиздек, Шимолий Атлантика иттифоқининг Европадаги бирлашган қуролли кучларининг олий қўмондонлик штаби Бельгиянинг Монс шаҳрида жойлашган. Бир ҳафталик сафаримиз давомида бу ерда ҳам бўлиб, мазкур штаб мутасаддилари билан мулоқот қилдик.

Ҳарбий мулозимларнинг айтишича, улар сиёсий раҳбарият томонидан ишлаб чиқилган кўрсатма ва топшириқларнинг ўз вақтида аъло даражада бажарилиши билан машғул бўлишади. Бугунги кундаги асосий фаолият эса терроризмга қарши курашга қаратилган. Шунинг учун ҳам НАТОнинг бирлашган қуролли кучлари қаромоғидаги "Авакс" русумли бир нечта энг замонавий разведка-қидирув самолётлари аксилтеррор операцияларига жалб қилинган.

Шимолий Атлантика иттифоқининг фаолият кўрсатаётганига 53 йил бўлган эса-да, шу пайтгача Вашингтон шартномасининг 5-моддаси ҳеч қачон қўлланилмаган эди. Бу модданинг қисқача мазмуни шундан иборатки, НАТОнинг бирор давлатига ҳужум қилиниши барча аъзо мамлакатларнинг тинчлик-осойишталигига хавф солинди, деб ҳисобланади. 11 сентябрь воқеаларидан кейин айнан мана шу моддага мурожаат қилишга эҳтиёж туғилди. "Авакс" самолётларининг аксилтеррор операцияларида бевосита иштирок этиши ҳам шу билан изоҳланади.

НАТОнинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастурида 1994 йилдан буён Ўзбекистон ҳарбийлари ҳам иштирок этаётган экан, хўш, Монсдаги мутасаддилар мамлакатимиз посбонларининг жанговар шайлигини, тактик тайёргарлигини қандай баҳолайди?

— СЕАПнинг режалаштириш ва баҳолаш тизими яқиндагина амалга киритилди, — дейди Ҳамкорликни мувофиқлаштирувчи гуруҳ раҳбари, генерал-майор Болислав Изодорчик. — Шунинг учун ҳозир ундай ёки бундай баҳолашни холис ёндошув деб ҳисоблаймайман. Лекин бир нарсани аниқ айтишим мумкин. Мамлакатингизда олиб борилаётган ҳарбий ислоҳотлардан бошқалар ўрнак олса арзийди.

Шу пайт жаноб Изодорчик кутилмаганда сўз қотди:

— Кечирасиз, мистер, таништирув чоғида эслаб қололмадим, қайси газетадансиз?

— "Халқ сўзи"дан.

— О-о, бу Ўзбекистондаги энг йирик ва нуфузли газеталардан бири-ку. Нафақат ҳамкор давлатлар, уларнинг марказий нашрларини ҳам кузатиб боришимни айтиб қўймоқчиман.

Болислав жаноблари билан кечган самимий суҳбат жараёнида НАТОнинг совуқ уруш сиёсати давридаги жанговар шайлиги ва қуролланиш қудрати бугун қарийб 50 фоизга қисқарганини ҳам билиб олдик. Статистика мухлислари учун яна бир рақам: уюшма ҳарбий штабларидаги офицерлар миқдори 10703 нафарни ташкил қилади.

Ҳарбийларни замонавий билимлар негизида ўқитиш, кўникмаларини шакллантириш, малакасини ошириш ва жанговар ўқув машғулотлари ташкил этиш ва ўтказиш "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастурининг ўқ томирини ташкил қилади. Бу дастур грантлари бўйича ҳамкор давлатлар ўз ҳарбийларини НАТОнинг Германиядаги олий сержантлар мактабида ўқитиш ва малака оширишга жўнатишлари мумкин. Ўзбекистон Шимолий Атлантика иттифоқи билан ҳамкор мамлакат сифатида унинг 115 номдаги тадбирларида фаол иштирок этмоқда. Алоҳида таъкидлаш жоизки, Монсдаги масъул шахслар биз билан бўлган суҳбатларда вакилларимизнинг ҳаракатларини кузата туриб уларнинг фойдали иш коэфицентларини юқори баҳолашларини айтишди.

Яна бир гап: жаноб Б.Изодорчик Ўзбекистоннинг ўз муаммоларини ўзи мустақил ҳал қилишга киришганини энг мақбул сиёсат деди. Кези келганда урғу бериш жоизки, НАТО мавжуд у ёки бу муаммога минтақавий аспектда ёндошишни хуш кўради. Жумладан, Марказий Осиёдаги республикаларнинг ўзаро муносабатларида ҳал этилиши лозим бўлган баъзи масалаларни Шимолий Атлантика Кенгаши муҳокамасига олиб чиқишни истайди. Бу борадаги Ўзбекистон сиёсати эса ҳаммага беш қўлдай маълум. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз, ўз кучимиз билан яратамиз. Аммо бу фойдали, тенг шериклик асосидаги ҳамкорликдан воз кечиш дегани эмас. НАТО билан мамлакатимиз ўртасида шакллган муносабатлар ҳам ана шундай ҳамкорлик меваси, холос. Шундан ўзга ҳеч қандай мақсад йўқ бунда.

(Охири. Боши олдинги сонларда).

Европада сўримиз бор!

Алишер, Бахтиёр, Шуҳрат, Эл дор, Раҳматулла. Улар мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонаси, НАТО ва Европа Иттифоқи каби нуфузли ташкилотлардаги ёш дипломатлари. Улар бир эмас, бир нечта хорижий тилларда бемалол гаплашади. Ҳар қандай даражадаги анжуманларда шартта ўрнидан туриб Ўзбекистон нуқтаи назарини дадил гапиради. Гувоҳи бўлганим шуки, улар бошқаларни оғзига қарата оладди, фикрини ҳимоя қила билади. Хоҳ ҳарбий, хоҳ ижтимоий ёки илмий соҳадаги дастурлар бўйича мулоҳаза юритиб, таклифларини ўртага ташлашдан чўчимайди.

Уларнинг ҳаракатини кузатиб ажиб ҳис кечади кўнгилда. Биз эришган мустақиллик туфайли шу ўғлонлар бугун бу ерда жавлон ураяпти. Халқимизнинг қадим тарихи ва маданияти, ёруғ истиқболи ҳақида чет эллик ҳамкасбларига сўзлашдан фахр туюшаяпти.

Уларнинг хизмат жойи ҳисобланган Бельгиядаги элчихонамизга кирсангиз, Самарқанд ё Хивага келдимми деб ўйлайсиз. Бу ерда ҳамма нарса Ўзбекистонни эслатади. Тасаввур қилинг, Европада — сўридаги хонтахта атрофида ўтириб ўзбекона чой ичдик. Ушбу сўрини хоразмлик усталар тайёрлаб жўнатишган экан.

Қия очиқ турган эшикдан секин мўраладим. Ёш дипломатларимиздан бири Раҳматулла хорижий тилларидаги қоғозлардан нималарнидир титкилаяпти. Ёнидаги магнитофондан ёқимли қўшиқ таралаяпти: "Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон! Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!".



Салом Тошкент, ассалом Ватан!

Ўзбекистон ҳақидаги ашула инсоннинг юрт соғинчи деган туйғуларни ёмон қитиқлар экан. Айниқса, хорижий сафарда юрганингизда. Энди буёғидаги савол-жавобу мулоқотлар қулоққа кирмас, фақат Ватан ҳақида ўйлардик.

Ўзбекистонга Франкфурт орқали қайтадиган бўлдик. Германиянинг ушбу халқаро аэропортига бориш учун эрта тонгда Брюсселдан автобусда йўлга чиқдик. Юмшоқ ўриндиқли автоуловимиз белгиланган беш соатда манзилга етиб келган бўлсада, шу ўтган вақт беш кундай туюлди. Шошганда ҳаммаси аксига олар экан-да.

Франкфурт — Тошкент йўналиши бўйича парвоз қилган "Боинг-767" 4700 километр масофани 5 соату 50 дақиқада босиб ўтди. Учиш баландлиги 10100 метр. Ана шундай баландликда делегациямиз аъзоларининг ҳар бири "Халқ сўзи" ёки "Народное слово"ни варақлашга шошилишди. Тўғри-да, бир ҳафтадан бери сафарда бўлсак, она юртда кечаётган жараёнлар, янгиликлардан бохабар бўлишни ким ҳам истамайди дейсиз.

Алихон Қулиев бошчилигидаги экипаж аъзолари баҳайбат ҳаво кемасини оҳиста ерга қўндиргач, командирнинг "Ўзбекистонга хуш келибсизлар!" деган овозини эшитдик. Йўловчилардан кимдир "Салом, Тошкент!" дея, яна биров "Ассалом, Ватан!" дея завқланиб борарди...

Озод РАЖАБОВ,
«Халқ сўзи» шарҳловчиси. Брюссель-Франкфурт-Тошкент.

Шарҳловчи нигоҳи

Баъзи бир маълумотлар

НАТОнинг Брюсселдаги қароргоҳи сиёсий штаб ҳисобланади. У ерда 3 мингдан зиёд ходим фаолият кўрсатади. Шундан 1400 нафарини аъзо ва ҳамкор далатларнинг доимий миллий делегациялари ва ҳарбий вакиллари ташкил этади.

Шимолий Атлантика иттифоқининг Ҳарбий қўмитаси барча қўшинларга раҳбарлик қилиш ваколатига эга. Улар иккига бўлинган: Европадаги бирлашган қуролли кучлар олий бош қумондонлиги (Монс, Бельгия) ва Атлантикадаги бирлашган қуролли кучлар олий бош қумондонлиги (Виржиния, АҚШ). Бу тузилмаларга генерал ёхуд адмирал унвонидаги ҳарбийлар етакчилик қилади.

Шимолий Атлантика Кенгаши (САС) НАТОнинг асосий сиёсий раҳбар органи ҳисобланади. Унинг таркиби уюшмага аъзо барча давлатларнинг доимий вакилларидан шакллантирилади ва барча бирдек овозга эга бўлади.

НАТО ҳукуматлараро ташкилот бўлиб, аъзо давлатлар унинг фаолият кўрсатиши учун маълум миқдорда маблағлар ажратади. Биргаликдаги молиялаш категориялари эса ҳар бир мамлакатнинг уюшмадан кўрадиган манфаатига қараб тақсимланади. Очиқроқ айтганда, аъзо давлатлар ташкилотнинг қанча тадбирларида қатнашса, харажат ҳам шунга яраша бўлади.

Уюшма бюджетини икки қисмга бўлиш мумкин: фуқаролик ва ҳарбий. Фуқаролик бюджетининг асосий қисми Халқаро котибиятнинг харажатларини қоплашга сарфланади. Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда ҳамкор давлатлар билан биргаликда ўтказиладиган тадбирларни молиялаштириш ҳажми ҳам ўсиб бормоқда.

НАТОнинг ҳарбий бюджети аъзо давлатлар Мудофаа вазирликлари ажратган маблағлар эвазига шакллантирилади. Мазкур бюджетнинг асосий қисми АҚШ (29 фоиз) ва Германия (23 фоиз) ҳиссасига тўғри келади. Бундай кўрсаткич бўйича кейинги ўринда Буюк Британия туради — 14 фоиз.

КЕНГАШ МАЖЛИСИ

Пойтахтдаги "Туркистон" концерт саройида Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни кенгаш раиси, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов бошқарди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг "Эстрада қўшиқчилик санъатини янада ривожлантириш тўғрисида"ги қарорининг бажарилиши ва мувофиқлаштириш кенгашининг 2002 йилги иш режаси, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасининг ўтган йилда амалга оширган ишлари ва бу йилги вазифалари, шунингдек, Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармасининг фаолиятини ташкил этиш, санъаткорларга лицензия беришнинг аҳволи билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қарорда мазкур кенгаш зиммасига эстрада жамоалари, яккахон ижрочилар ҳамда бошқа санъаткорларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ижодий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, замонавий эстрада санъатининг ўзбек мусиқа маданияти тараққиётидаги ўрни, ғоявий-бадиий йўналишлари, уни миллий ва умуминсоний қадриятлар билан уйғунликда ривожлантириш тамойилларини белгилаш билан боғлиқ долзарб вазифалар юклатилган эди.

Мажлисда ўтган вақт мобайнида қарорнинг ижроси бўйича муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Аммо бу борадаги ишлар янада жонлантирилмоғи лозим. Айниқса, "Ўзбекнаво"нинг ҳудудий бўлимларида иш ҳануз яхши йўлга қўйилмаганлиги жуда ачинарли ҳолдир. Яратилаётган қўшиқларнинг сифатига ҳам етарлича эътибор бериляпти, деб бўлмайди. Радио, телевидениеда, концертларда ҳамон саёз қўшиқлар янграб турибди. Матни шеърият қоидаларига жавоб бермайдиган, мусиқаси миллий хусусиятларимизга ҳамиша ҳам тўғри келавермайдиган бундай қўшиқлар мухлислар кўнглини ранжитмоқда.

Шу боис мувофиқлаштириш кенгашнинг бу йил соҳа йўналишида бир қанча ташкилий ишларни амалга оширишга киришгани эътиборга лойиқ. Жумладан, эстрада гуруҳлари ва яккахон хонандаларнинг ижодий фаолиятини таҳлил этиш ва ўрганиш, ёш эстрада ижрочиларига амалий ёрдам кўрсатиш, уларни рағбатлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, эстрада хонандаларининг янги танловлари йўлга қўйилади. "Эстрада санъати-миллий маданият кўзгуси" мавзуида республика илмий-амалий анжумани ҳам шу йилга мўлжалланган.

Мажлисда бастакорлар уюшмасининг раиси Рустам Абдуллаев, бастакор, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Анор Назаров, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов, Ўзбекистон халқ артисти Фарруҳ Зокиров ва бошқалар сўзга чиқиб, миллий эстрада санъатининг янада ривожланиши ва кенг оммалашуви, режада белгиланган тадбирларни амалга ошириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Мажлисда йўл қўйилган камчиликларни тезда бартараф этиб, Вазирлар Маҳкамаси қарорининг ижросини тўла таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Б.МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири.

Банк ва мижоз

КРЕДИТ МАБЛАҒЛАРИ

Корхоналарнинг ўзаро тўловларини камайтиришда қўл келмоқда

Ўзаро тўловларни тартибга солмай туриб, хўжалик юритишда бирор натижага эришиш қийин. Бу, айниқса, корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини бартараф этишда яққол кўзга ташланади. Шунингдек, мазкур масала корхонанинг барқарор фаолият кўрсатишига ҳам салбий таъсир қилади. Агар хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ушбу муаммо ўз вақтида ҳал этилмаса, у чигал масалага айланиши мумкин.

Шу маънода, Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат банклари томонидан ажратилган мақсадли кредитлар ва факторинг операциялари ёрдамида вазирликлар, идоралар, ассоциациялар ва хўжалик юритувчи субъектлардаги ўзаро тўловлар ишларини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори айни муддао бўлди. Айни пайтда вазирликлар, идоралар, корпорациялар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзи банк кредитларидан самарали фойдаланган ҳолда ўзаро тўловларнинг мақсадли схемаларини тузишда ташаббус билан чиқмоқда.

«Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида, айниқса, хўжалик юритувчи субъектларнинг мавжуд ўзаро дебиторлик ва кредиторлик қарзлари камаймоқда. Шу билан бирга, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар бўйича қарзлари қисқараяпти. Бу борада бир қатор ижобий мисолларни келтириш мумкин. Масалан, ўтган йили Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи тавсия этган схемага кўра, унга 1012,8 миллион сўм миқдоридаги мақсадли кредит ажратилганди. Бу 2189,1 миллион сўм дебиторлик ва кредиторлик қарзларини бартараф этиш имконини берди. «Ўзгеонефтқазиболиш» акциядорлик компаниясининг схемасига биноан берилган 1860 миллион сўм кредит натижасида эса 7443 миллион сўмлик шундай қарзлар тўланди.

Амалга оширилаётган факторинг операциялари ҳам ўз самарасини бермоқда. Банк томонидан кўрилган чора-тадбирлар туфайли «Кўмир» ҳиссадорлик жамиятининг 800 миллион сўмдан ортиқ дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг камайтирилишига эришилди. Бу катта иқтисодий самара, демакдир.

Умуман, «Ўзсаноатқурилишбанк» ўтган йили корхоналар тақдим этган схемалар бўйича 45372,5 миллион сўм миқдорида мақсадли кредит маблағларини ажратди ва 3757 миллион сўмлик факторинг операцияларини бажарди. Натижада дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш ҳисобига 217727,2 миллион сўм иқтисодий самара кўрилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, схема бўйича мақсадли кредитлар ажратилаётган вақтда таваккалчиликка мутлақо йўл қўйилмайди. Сабаби — пул маблағлари аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиб, пировардида уларни кредит олган мижозга қайтариш ва кредитни тўлашга жалб этиш кўзда тутилган.

Бундай кенг кўламда амалга оширилган ишлар эса, юқорида айтилганидек, ўз навбатида ўзаро тўловларнинг камайишига олиб келмоқда. Бу нафақат корхоналар иқтисодиётини соғломлаштиришда, балки умуман, республика иқтисодиётининг ўсишида ҳам ижобий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳосил КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ХИФ-Банк» ХУСУСИЙ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

ГАЗЕТАНИНГ 2002 ЙИЛ 19 ЯНВАРДАГИ СОНИДА ЧОП ЭТИЛГАН ЭЪЛОНГА ҚУЙИДАГИЧА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

"Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши" сўзлари, "Акциядорларнинг 2001 йил якунлари бўйича умумий йиғилиши", деб ўқилсин.

Эълонда берилган кун тартибн қуйидаги таҳririда ўқилсин:

1. ХОАТБ «ХИФ-Банк»нинг 2001 йилдаги молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича банк бошқаруви ҳисоботини тасдиқлаш.
2. 2001 йил якунлари бўйича ташқи аудит ва тафтиш комиссияси хулосаларини тасдиқлаш.
3. 2001 йил якунлари бўйича олинган фойдани тақсимлаш.
4. ХОАТБ «ХИФ-Банк»ни ХОАТИБ «Туркистон» банкка қўшилиши орқали қайта ташкил этиш ва шу муносабат билан акцияларни алмаштириш.
5. Қўшилиш шартномасини тасдиқлаш.
6. Бошқа масалалар.

Банк кенгаши.

5274/167

Ўзбек дипломатияси:

ТАРИХ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Фанлар академиясининг Тарих институти томонидан ўтказилаётган "Ўзбек халқи ва давлатчилик тарихи" республика семинарининг ўн саккизинчи йиғилиши бўлди.

"Ўзбек дипломатияси: тарих ва ҳозирги замон" мавзуидаги ушбу анжуманда ўзбек дипломатияси бундан қарийб уч минг йил муқаддам юзага келган давлат уюшмалари фаолиятининг таркибий қисми сифатида шакллангани таъкидланди. Бироқ унинг қадимги даврларига оид барча маълумотлар ҳам бизгача етиб келмаган.

Дипломатик алоқалар тарихимизда "элчилик алоқалари" деб юритилган. Тахминан XI-XII асрларни ўз ичига олган Ўрта Осиёдаги маданий уйғониш даврида Форобий, Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб каби буюк аждодларимиз ёзиб қолдирган асарларда давлатни бошқариш масалалари билан бир қаторда дипломатия хизматини ташкил этиш, унинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида ҳам ғоят эътиборли фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Шундан кейинги асрларда яратилган "Темур тузуклари", "Зафарнома", "Бобурнома" ва "Тарихи Рашидий" каби ўнлаб асарларда юртимиздаги дипломатик муносабатларнинг турли қирралари ёритилган.

Мустақиллик йилларида давлатчилигимизнинг қайта тикланиши янги, замонавий дипломатик хизматни йўлга қўйиш учун замин ҳозирлади. Бугунга келиб мамлакатимизни 160 дан ортиқ давлат тан олди. 120 та давлат билан дипломатик алоқалар йўлга қўйилди. Мамлакатимиз қиркдан зиёд халқаро ташкилотга аъзо. Ўттиздан кўпроқ давлатда элчилик ва консуллик хизмати ташкил этилган.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили



ҒАЙРАТИГА ЁШЛАР ҲАВАСМАНД

Бобомиз Аҳмад Яссавий нутқаи назарида инсоннинг дунёси инсонпарварлик билан обод. У халқимизнинг маънавий қиёфасини белгилайдиган фазилатлардан биридир.

Инсонпарвар одамларда кишиларга меҳр-оқибат, эл-юрт фаровонлиги учун куйиниш туйғуси, ҳиммат, саҳоват ва мурувват кучли бўлади. 73 баҳорни қаршилаган янгийўллик тиниб-тинчимас Ўлмас Машариповнинг ҳаёт йўли бунга ёрқин мисолдир.

У 50 йил мобайнида савдо соҳасига раҳбарлик қилган. Ҳозирда Янгийўл туманидаги акциядорлик нон корхонаси директори. Корхона «Халқаобод» хўжалиги ҳудудида жойлашган бўлиб, унга биринчи тамал тошини Усмон Юсупов қўйган экан. У пайтда кичкина новвойхонада 5-6 нафар одам ишлаб, қишлоқдагиларни нон билан таъминлаб турган. Ўлмас ака раҳбарлигида новвойхона йирик корхонага айланди. Янги бинолар қуриш, ишлаб чиқариш жиҳозларини янгилаш, технологик жараённи юксалтириш каби қатор ишлар бажарилди. 108 нафар одам иш билан таъминланди. Нондан ташқари макарон ва қандолат маҳсулотлари, музқаймоқ ва салқин ичимликлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Ҳар йили олинаётган соф фойданинг учдан бири корхонани кенгайтириш учун сарфланмоқда. Биргина ўтган йили 20,9 млн. сўм соф фойда олинди. Унинг 5,7 млн. сўми ишчи-хизматчиларнинг турмушини яхшилаш, дам олиши, соғлигини тиклаши ва бошқа ёрдамга муҳтожларга моддий ёрдам сифатида берилди. Ҳар бир акцияга 1252 сўмдан дивиденд тўланди. Уруш қатнашчилари, ногиронлар, ёрдамга муҳтож оилалар ота-онасиз болалар, нафақахўрлар ҳам доимий эътиборда.

Бундан ташқари, корхона фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси туман бўлими ҳисоб рақамига 210 минг сўм ва кўзи ожизлар жамиятига 180 минг сўм ёрдам пули ўтказди.

Ўлмас ака билан суҳбатлашиш жуда мароқли. Ибратли ва ажойиб ҳикоятлари билан қалбингизга кириб олганини сезмай қоласиз. Мустақилликка эришилган кунни алоҳида қадрлайди. Давлатимизнинг ҳаётбахш ички ва ташқи сиёсати, тараққиёт сари қўйилаётган улкан одимлар, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш, фарзандлар камоли уни янада ғайрат билан ишлашга ундайди.

Ота дуосини олган, кўп қийинчиликлар кўрган бу инсонни маҳалладошлари яхши кўришади. Ёшликда бирга ўсган Нурмат деган дўсти бўларди. Куни битиб, бандаликни бажо келтирди, ундан 7 фарзанд қолди. Уларни Ўлмас ака ўз боласидек тарбиялади, вояга етказди, қизларини чиқарди, ўғилларини уйлантирди. Шунинг учун унинг фарзандлари 20 га етиб қолган дейишади. (Ўзининг 11 фарзанди бор-да).

Гапираверсак гап кўп. Ўлмас акага ўхшаганларга ҳавасинг келмай иложи йўқ. Мустақил юртимизда бундай жонкуярлар сафи кенгаяверсин.

Тўхтасин ҒАНИЕВ,
«Нуроний» жамғармаси Тошкент вилоят бўлими бош мутахассиси.

СУРАТДА: меҳнат фахрийси Ўлмас Машарипов (ўнгдан иккинчи) мутахассислар билан нон сифатига баҳо бераяпти.

Спорт. Спорт. Спорт.

ҲУСНИДДИННИНГ ОРЗУЛАРИ

БИЗНИНГ ТАНИШТИРУВ: Ҳ.Сапиев 1979 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1992 йилдан пойтахтимиздаги "Азамат-Карим" каратэ клуби аъзоси. 1997 йилда жаҳон чемпиони (Бразилия), 1999 йилдаги халқаро турнир ғолиби (Туркия), бир неча бор Ўзбекистон чемпиони ва мамлакат кубоги эгаси, қора белбоғ 2-Дан соҳиби.

Спортчилар, айниқса, чемпионлар ҳақида гап кетганда қандайдир ифтихор туямиз кўнглимизда. Бу уларнинг миллат гурурини ҳимоя қилиш учун майдонга чиқаётганидан назаримда. Яна бир гап: чемпионни кўп сўзлатиш мураккаб иш. Шунинг учун ҳам Ҳуснидин билан суҳбатимиз лўнда ва содда кечди.

— **Каратэга қандай кириб келгансиз?**

— Қизиқиш туфайли. 13 ёшимда дўстим билан каратэ клубига кириб борганим шундоқ эсимда. Иброҳим Турсунов яхши кутиб олгани қизиқишимни янада кучайтирган. Шу-шу белбоғ тақиб юрибмиз-да.

— **Демак, биринчи устозингиз Иброҳим ака?**

— Албатта. Кейинчалик Хўжамқул Хўжақулов, Нурхон Нафасов, Бурҳон Раҳмоновлар қўлида оқ кийимлилар бахсининг сирларини ўргандим.

— **Бўш вақтларингизда...**

— Бўш вақтим деярли бўлмайди. Шундай имкон бўлган пайтда чет тиллари ҳамда компьютердан сабоқ оламан.

— **Ҳаётдаги шиорингиз?**

— Интилганга толе ёр.

— **Ўзингиз ёш бўлсангиз ҳам шогирдларингиз бор экан.**

— Ўзим чемпион бўлганда қанчалик қувонганимни билмайсиз. Устозларимнинг айтишича, шогирднинг чўққига кўтарилганини кўриш ундан икки чандон кўп қувонч келтирар экан. Ҳозирдан шогирд тайёрлаётганимнинг сабаби ана шундай орзуга тезроқ эришиш.

— **Оилангизда яна бошқа каратэчилар борми?**

— Укам Фазлиддин бир қатор мусобақаларда ғолиб бўлган. Ҳозир у ҳарбий хизматда йигитлик бурчини ўтаяпти.

— **Орзуларингизга етишган куни яна интервью бериш шарти билан хайрлашсак.**

— Розиман.

Мухлиса МУҲИДДИНОВА суҳбатлашди.

Тайёргарлик қизғин

Жорий йилнинг 5-8 сентябрь кунлари Арманистон пойтахти Ереван шаҳрида ўзбек кураши бўйича IV жаҳон чемпионати ўтказилади. Шу муносабат билан Арманистон кураш федерацияси ташкилий қўмитаси вакиллари Миллий матбуот марказида журналистлар билан учрашди.

— Халқаро кураш ассоциацияси (ХКА) конгресси томонидан кураш бўйича навбатдаги жаҳон биринчилигини ўтказиш учун учта давлат орасидан Арманистонга ишонч билдирилганидан беҳад хурсандмиз, — деди Арманистон кураш федерацияси президенти Алекс Аветисян. — Айни пайтда чемпионатнинг муваффақиятли ўтишини таъминлаш билан боғлиқ тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Чемпионат давомида кўнгилочар ҳамда маданий тадбирлар ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Йиғилишда ХКА президенти Комил Юсупов қатнашди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Табиат бурчаги

ЗАҲАРЛИ ВА СИРЛИ

Заҳарли илонлар кўп тарқалган мамлакатларда, жумладан, Ҳиндистонда илонларни фақат заҳар олиш мақсадида ушламайдилар. Масалан, кобра илони бош қисмида жойлашган «машҳур кўзойнаги» учун овланади. Бу аёлларнинг қўл сумкаси ёки ҳамёни учун жуда яхши безак ҳисобланади. Мадрас штатида шу мақсадлар учун ҳар куни 500 га яқин илон териси шилиб олинади. Бундан ташқари, кобралар билан сеҳргарлар ҳам кўп шуғулланадилар. Уларнинг ихтиёрида бўлган барча илонларнинг заҳарли тишлари олиб ташланади. Аслида илоннинг заҳарли тиши вақти-вақти билан тушиб, ўрнига янги тиш пайдо бўлади.

Илонларда ташқи эшитиш аъзоси йўқ. Шунинг учун улар ҳаво орқали келган товушни эшитмайдилар. Аммо кучсиз ер тебранишини тез сезади. Кобра мусиқа чаладиган одамга қараб гавдасини ғоз кўтаради ва тебранади. Демак, у мусиқа оҳангига эмас, балки чалинаётган асбобнинг қимирлашига қараб бошини у ёқдан бу ёққа чайқайди.

Ҳиндлар кобра илонларига кучли эътиқод билан қарайдилар. Бир неча ўн йиллар муқаддам Ҳиндистонда меҳмон бўлган иккита хорижлик ўз ватанига қайтатуриб, қайиқчилар дарёнинг нариги қирғоғига ўтказиб қўйишини сўрайдилар. Кутилмаганда кўтарилган қаттиқ шамол қайиқни ағдариб ташлайди, натижада меҳмонлар сувга чўкиб кетади ва ҳалок бўлади. Қайиқчилар шошилинчда меҳмонларнинг бойлигини кўриш мақсадида катта бир кутини очиб ҳангу-манг бўлиб қоладилар, унинг ичида иккита бўғма илон ётган эди. Қайиқчилар тезда шаҳар томон йўл олиб, одамларга бўлган воқеани гапириб берадилар. Халқ мамлакатдаги барча хорижликларни ҳайдаб юборишни талаб қилади. Ҳиндистонда заҳарли илон бирон кишини чақиб олса, демак у одамни худо олдида гуноҳкор деб ҳисоблайдилар. Илонга худонинг амрини бажарувчи махлуқ деб қарайдилар. Ана шундай ғайри илмий тушунчалар заҳарли илонларни янада сирли қилиб кўрсатади. Бу эса илонларга сиғинишни кучайтиради. Кобра илонига бағишлаб ўтказилган сайл кечалари бунга мисол бўлади.

Яҳё ДАВЛАТОВ.

ЎРГИМЧАКДАН КЎЧИРИЛГАН КАШФИЁТ

Муҳандис С. Браун антиқа бир кўприк лойиҳаси устида кўп йиллар бош қотириб юрганида тасодиф юз берди. Бир куни у боққа чиққанида минглаб дарахт ва буталар орасида осилиб ётган ўргимчак толаларига кўзи тушди. Кучли шамол ҳам уларнинг узиб ташлолмасди. Шунда муҳандис узун-узун ўргимчак толаларида ўзи ўйлаб юрган кўприк тимсолини «кўради», яъни мустаҳкам бузилмас осма кўприк дунёга келади.

ШИРИНЛИГИ УЧУН ЭМАС...

Шамоллаш туфайли бўлган йўталда дардга эм бўлувчи воситалардан бири ширинмиядир. Унинг шифобахш хусусияти қадим замонлардан маълум. Халқ табобатида ўсимликнинг илдизпоясидан олинадиган шарбат ва кукунлар терлатувчи, нафас йўли касалликларида, меъда яллиғланишида, ўпка касалликларида, алаҳсирашда даво ҳисобланади. Ибн Сино ширинмия (чучукмия) илдизини буйрак, қовуқ касалликларида, меъда яллиғланишида, ўпка хасталикларида фойдаланишни лозим кўрган. Тибет халқ табобати унинг яна бир қанча хосиятларидан ўринли фойдаланган. Чунончи, улар ширинмияни афсонавий женшень илдизи билан бир қаторга қўядилар. Беморга қувват ва мадор бағишловчи, кексаларни тийраклаштирувчи, боқий умр омили сифатида тавсия этадилар. Ҳозирги илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўсимлик таркибидаги глициризин моддаси ўзининг тузилишига кўра инсон буйрак усти безлари етиштирадиган гормон—кортизонга ўхшайди. У кортизон сингари организмда сув-туз мутаносиблигини меъёрлаштиради. Глициризин ва унинг ҳосилалари аъзоларни шамоллашдан муҳофаза қилувчи, аллергия асоратини (кўз касалликларида, қичима, эшак еми, қўтир вазиятларида) фориғ этувчи моддалиги аниқланган.

Ширинмия таркибида ширин таъмли сапонинлар типидаги тритерпен бирикма глициризин, қанд, крахмал, флавонлар, микроунсурлар бор. Унинг илдизидан олинадиган шарбат тинчлантирувчи, оғриқ қолдирувчи хусусиятга эга. Баъзи кузатишларга қараганда, ширинмия доривор воситалари артритнинг айрим турлари авж олишига тўсқинлик қилар экан.

Бу ўсимлик аҳоли орасида турлича аталади. Жумладан, чучукмияни қозоқлар тотлимия, тотлитомир, туркманлар яланая буян, форслар мохак, араблар сус, руслар солодка деб номлайдилар.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос олим.

САВОЛ БИЗДАН...

Юпитер сайёрасининг нечта йўлдоши бор?

136-35-60

Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби: Атмосферада — азот, ерда — кислород.

Бу ҳақда тошкентлик И. Солиев, А. Рустамов, Д. Зоирова, У. Нураҳматовалар хабар беришди.

"Торсуна-Хосиятлик" ҚК

Италия асбоб-ускуналарида қуйидагиларни ишлаб чиқаришни бошлаганини эълон қилади:

- *пиво, маъданли сув ва мева ичимликлари учун мўлжалланган рангли тасвирли КРОНЕНТИҚИНЛАР*
- *АЛЮМИНИЙ ҚАЛПОҚЧАЛАР "бурама".*

PIVO BEER · MINERAL WATER · FRUITS

Тел.: (99871) 173-83-43, 78-34-23, 137-06-66.
Факс (99871) 133-06-66. E-mail: torsuna@infonet.uz

Биринчи даражали

MAKSIMA

салони буюртма бўйича Италия, Испания, Польшадан келтирилган ЮМШОҚ, УЙ-ЖОЙ, ОШХОНА

МЕБЕЛЛАРИ

ҳамда

РАСМЛАР, ҚАНДИЛЛАР, ЁРИТГИЧЛАРНИ таклиф этади. Дид билан ишланган дизайн асосида, каталог бўйича уйингизни жиҳозлаб берамиз. Ўзбекистон бўйича элтиб ҳамда йиғиб берамиз.

Манзилимиз: Фурқат кўчаси, 5. Тел. (371) 144-27-15. Дам олиш кунисиз ишлаймиз.

Цирк · Ҳалқлар дўстлиги кўчаси · MAKSIMA · "Ўзбекистон" савдо расталари

4644

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти жамоаси институт Маданий-маърифий ишлар кафедраси профессори, филология фанлари доктори Ҳамидулла Акбаровга отаси, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби

Илёс АКБАРОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси жамоаси Ўзбекистон телевидениеси Киномарказининг катта муҳаррири Далмира Мақсудхўжаевага турмуш ўртоғи

Отабек МАҚСУДХЎЖАЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Маънаваият» нашриёти ижодий жамоаси нашриёт ходими

Аъзамжон ХУДОЙБЕРДИЕВ (Аъзам Ўктам)нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекэнерготаъмир» ОАЖ жамоаси бош директор Темур Юнусовга синглиси

Соҳиба ИСАМУҲАММЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 83, 34610 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА.
Навбатчи — М. НОРМАТОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
1 — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.15
1 2 3 4 5 6